

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**432** **Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2388*

*(2012 йил 20 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 5 июлдаги ПФ-4450-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 28-сон, 308-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритилиб, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари 2012 йил 1 августдан илмий ва раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминлашлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2011 йил 21 декабрдаги 9, 80, 85-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорини ўзгартириш тўғрисида»ги (рўйхат рақами 2308, 2012 йил 4 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2012 й., 1-сон, 10-модда) қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Фан ва технологияларни  
ривожлантиришни мувофиқлаштириш  
қўмитаси раиси**

**Ш. САЛИХОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 21 август,  
8-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 21 август,  
48-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 21 август,  
60-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технология-  
ларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш  
қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия  
вазирлигининг 2012 йил 21 августдаги  
8, 48, 60-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари МИҚДОРЛАРИ**

T/p	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	<b>Институт директори</b>	
	профессор	1118449
	фан доктори	1073010
	фан номзоди	1027819
2.	<b>Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори</b>	
	профессор	1027819
	фан доктори	991302
	фан номзоди	946953
3.	<b>Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири</b>	
	фан доктори ёки профессор	991302
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	946953
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	910682
4.	<b>Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари</b>	
	фан доктори ёки профессор	946953
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	910682
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	874208
5.	<b>Бош илмий ходим</b>	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	946953

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	910682
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	874208
6.	<b>Етакчи илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	910682
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	874208
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	831064
7.	<b>Катта илмий ходим</b>	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	831064
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	788412
	илмий даражага эга бўлмаган	746709
8.	<b>Кичик илмий ходим</b>	
	фан номзоди	788412
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	746709
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	705353
9.	<b>Тажриба орттирувчи тадқиқотчи</b>	622340